

## Аҳмад ибн Тулуннинг тарбияси



07:11 / 02.08.2019 3059

Аббос ибн Аҳмад ибн Тулуннинг котиби Абдуллоҳ ибн Қосим айтади: «Ярим кечаси Аҳмад ибн Тулун мени чақиртирди. Мен юрак ҳовучлаб, қўрқа-писа қоровулнинг ортидан унинг олдига кириб бордим. У мени бир қоронғи хонага олиб кириб, «Амирга салом беринг!» деди. Мен салом бердим. Аҳмад ибн Тулун уйнинг ичида, қоронғида ўтирган жойидан туриб менга: «Бу уй қайси ишга ярайди?» деди. «Тафаккур қилиш учун», дедим. «Нимага?» деди у. «Чунки бу ерда кўзни чалғитадиган ҳеч нарса йўқ, яъни ҳеч нарса кўринмайди», дедим. У: «Тўғри айтдинг. Ўғлим Аббоснинг олдига бориб, «Амир сизни эрталаб олдимга келсин, лекин ҳеч нарса емасдан келсин, бирга овқатланамиз, деб чақирди», дегин», деди. Мен: «Хўп бўлади», дедим.

Аббоснинг олдига бориб, амирнинг гапини етказдим, овқат емасликни тайинладим. Аббос очликка жуда бесабр эди. Шунинг учун отасининг олдига боргунча енгилроқ бирон нарса еб олмоқчи бўлди. Мен уни бундан қайтардим. У ноилож уловини миниб, отасининг олдига бориб, ичкари кирди. Отаси унинг қорни жуда очлигини сизди. Уларнинг олдига дастурхон ёзилди. Лекин пиширилган Миср ловиясидан бошқа нарса қўйилмади. Қорни жуда очган Аббос шоша-пиша уни ейишга тушиб, қорни шу билан тўйиб қолди. Отаси эса номига еб ўтирди. Аббоснинг қорни тўйганини кўргач эса дастурхонни алмаштиришни буюрди. Энди янги дастурхонга анвойи егуликлар, қовурилган товук, ўрдак, улоқ ва қўзичоқ гўштлири олиб келишди. Отаси уларни ейишга тушди. Таомдан ўғлининг олдига ҳам қўйди, лекин унинг қорни тўйиб қолгани учун ея олмади.

Шунда отаси ўғлига: «Бугун сени имтиҳон қилиб, тарбияламоқчи бўлдим. Кичик ишларнинг енгиллигига учиб, уларга ҳимматингни сарфлаб қўйма. Чунки кичик ишлар сени катта ишлардан тўсиб қўяди. Шунингдек, қадри паст бўлган ишлар билан машғул бўлиб қолмагин, чунки қадри баланд ишларга вақтинг ортмай қолади», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан